

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 101 (1162), 2024 йил 25 май, шанба



МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРУВЧИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

Қадрли фарзандларим!
Бугун ўз билим ва истеъдоди, куч-гайратини Янги Ўзбекистон бунёдкори, жонажон юртимизга муносиб фарзанд бўлишдек эзгу мақсадга баҳш этишга бел боғлаган сизлар каби навқирон ёшларни мактаб таълимини муваффақиятли тугатаётганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Меҳрибон устозларингиз ва ота-оналарингиз сизларга оқ йўл тилаб турган мана шу қўтлуғ кунда мамлакатимиздаги барча мактабларда “сўнги кўнғироқ”лар жаранглаб, сиз каби минглаб ёшларимиз катта ҳаётга йўланма олмақдалар.

Ҳақиқатан ҳам бугун сизлар улкан имкониятлар тақдим этадиган бутунлай янги ҳаёт оstonасида турибсиз. Бу йўлда тинимсиз изланиб, янги марралар сари таллиниш, дадиллик ва ўзингизга қатъий ишонч ҳисси доимо ҳамроҳингиз бўлиши лозим.

Ҳамиша ёдингизда тунинг, ҳар бирингиз ўзига хос истеъдод соҳибсиз, уларни рўёбга чиқариш эса, аввало, ўзингизга, тинимсиз интилиш ва изланишларингизга боғлиқ.

Шу ўринда, сизнинг сафингизда ўқишни олтин ва кумуш медаллар билан тамомлаётган юзлаб ўғил-қизларимиз борлигини таъкидлаш ўринлидир.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистон ёшлари турли фанлар, спорт, санъат ва адабиёт соҳаларида ўзининг чуқур билим ва қобилиятини яққол намоён қилишмоқда.

Ҳаётда юксак марраларни кўзлаб турган бундай сергайрат ва билимдон фарзандларимизни юртимиздаги миллионлаб ўғил-қизларимизга ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди.

Мамлакатимизда навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Чунки жонажон Ватанимизнинг келажиги, унинг тақдири ва тараққиёти бугун шинам синфхона ва аудиторияларда кунг билан таълим олаётган ёшларнинг қўлида. Улар эртага Ўзбекистонни янада кучли, ривожланган ва бахтли давлатга айлантириш учун ўзларининг бор билими, иқтидори ва куч-гайратини сафарбар қилса, кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз.

Айни пайтда мамлакатимиздаги кўп-кўп замонавий олийгоҳлар, касб-хўнара мактаблари ва техникумлар битирувчиларни ўз бағрига қорламоқда. Бу масканларда уларнинг таълимни давом эттириб, янада чуқурроқ билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Азиз ўғил-қизларим!
Сизлар жонажон Ватанимиз шонли тарихининг бир қисми, ўз маданияти ва анъаналарини асрлар давомида асраб-авайлаб келатган буюк халқнинг дилбандлари, Янги Ўзбекистоннинг умиди ва таянчи ҳисобланасиз. Яна бир бор таъкидлаб айтишмоқчиман, давлатимизнинг эртанги тақдири, унинг равнақи ва тараққиёти сизларнинг қўлингизда.

Ҳеч қачон орзу қилишдан тўхтаманг, катта мақсадлар йўлида имкониятларингизни синаб кўришдан, бу йўлда хато қилиш ва улاردан сабоқ олишдан қўрқманг. Чунки халқимиз сизларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Сизларнинг янги ғоя ва ташаббусларингиз, иштиёқингиз ва кучингиз нафақат Ўзбекистонни, балки бутун дунёни ўзгариши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадингиздан ортага чекинманг.

Ҳар бирингиз устозларингиз ва ота-онангиз қабилнингизга сингдирган қадриятларга ҳаммаша содиқ бўлиб, халқимизнинг бебаҳо меросини янада бойитишга, юртимизнинг ёруғ келажигига ҳисса қўишга интилинг.

Биз жаҳонга илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улуг зотларнинг авлодимиз. Уларга хос бўлган ноёб хусусиятлар, улар яратган анъаналар бугун ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда ва ҳаётимизда яшамоқда.

Эндиликда биз ана шу буюк аждодларимизнинг чинакам давомчилари бўлган қалби қайноқ ёшларимизнинг юксак маънавий ва интеллектуал салоҳияти, уларнинг дунёни дол қолдирувчи ютуқлари билан ҳам фахрланишга ҳаққимиз.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётда юксак натижаларга эришиш учун тинимсиз ҳаракат, шижоат ва жасорат талаб этилади. Сизларнинг чуқур билим олиш, замонавий касб-хўнара урганиш орқали Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишингиз ва унинг тақдири учун масъулиятни зиммангизга олишингизга ишонаман.

Бу шарафли йўлда барчангизга бахт ва омад доимо ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 26-27 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурида олий даражадаги музокаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

Бўлажак учрашув кун тартибидан Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари ўрин олган. Амалий ҳамкорликни кенгайтиришга, энг аввало, ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини ошириш, иқтисодиёт тармоқларида

кооперация лойиҳаларини илгари суриш, инновацион ҳамкорлик дастурларини қўллаб-қувватлаш, фаол маданий-гуманитар алмашувни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Саммит якунлари бўйича икки томонлама ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш режалаштирилган.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенга-

шнинг биринчи йнгилишида иштирок этадилар.

Ташриф арафасида Тошкент шаҳрида бир қатор қўшма тадбирлар — етакчи муҳандислик-техника олий ўқув юртли ректорларнинг учрашуви, тиббиёт илмий-амалий конференцияси ва Рус санъати ҳафталиги бўлиб ўтаётганини таъкидлаш жоиз.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ДАВЛАТ БУЮРТМАСИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ва давлат гранти ажратилиш механизмининг такомиллаштириш, ёшларнинг сифатли таълим олишлари учун мавжуд шарт-шароитларни яхшилаш, кадрлар тайёрлашни иқтисодиётнинг ривожланишига таъминловчи соҳаларига манзилли йўналтириш мақсадида:

1. Олий таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ва жойлаштириш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2024/2025 ўқув йили қабулдан бошлаб: давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида

тақсимлаш амалиёти бекор қилиниб, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида тасдиқлаш тартиби жорий этилади, бундан олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мустасно;

давлат буюртмаси бўйича квоталар тақсимотида муҳандислик, тиббиёт, аниқ ва табиий фанлар билим соҳаларига устуворлик берилди;

давлат олий таълим муассасалари учун ўрнатилган тартиб ва шартлар бўйича талабалар қабулини амалга оширувчи олий таълим ташкилотларига давлат буюртмасининг

тақсимотида иштирок этишга руҳлат этилади. Бунда тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича бир талаба учун ажратилган маблаг молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдоридан ошмаган ҳажмда молиялаштирилади;

давлат гранти квоталарининг олий таълим ташкилотлари кесимида тақсимоти тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг танлови ва тўплаган балларига кўра амалга оширилади;

► Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади



Сўнги, кўнғироқ — ИСТИҚБОЛ ИБТИДОСИ

Режалар пухта, мақсад аниқ, демак, йўл ойдин

Бугун яна бир ўқув йили ўз якунига етди. Мамлакатимиздаги 10 мингдан зиёд мактабда сўнги кўнғироқ садоси янгради. Бу овоз ҳар кимнинг ҳаётида турлича маънога эга. Дейлик, бошланғич ва баъзи юқори синф ўқувчилари учун мактаб тугаганини аниқлаш ҳам муҳим. Улар бир ўқув йилида ўзлаштирган билимининг мустаҳкамлаш учун 11 ой ҳордиқ чиқаради, келгуси ўқув йилига куч йиғади. 11-синф ўқувчилари учун янги ҳаётга парвоз қилишга ундовчи овоздир. Улар ўн бир йил давомида эгаллаган билимининг синовдан ўтказилади.

Дарвоқе, бу синовдан аллақачон ўтиб, муддатидан аввал талабалик бахтига эришган ёки касб-хўнара ўрганиб, келажик учун қадам қўйишга улгурган ёшлар ҳам бор. Нима бўлганда ҳам бугунги кўнғироқ садоси — ёшлар учун орзу, ишонч, интилиш, муҳими, ўзгариш ва етуқликнинг бошланиши.

Тўққизинчи синф битирувчиларини ҳам янги парвозларга қорлайди бу овоз. Бундан ташқари, таълим муассасалари ва ўқитувчилар меҳнати сарҳисоб қилинади — ғалвир сувдан кўтарилади, ким қандай ютуқларга эришди, қайси мактаб жамоаси қандай муваффақият қозонди...

Бу йил 992 минг 213 ўқувчи умумтаълим мактабларини битирмоқда. Шундан салкам 400 мингга 11-синф ўқувчиларидир.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлақати

Ёшларнинг иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида катта ислохотлар амалга оширилаётгани сир эмас. Хусусан, мактабга ва мактаб таълими тизимида ҳам салмоғи кўп йилларга тенг ишлар қилинди. Қисқа муддатда муҳим ўзгаришлар рўёбга чиқди. “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” шiori асосида мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланди. Янги қурилаётган, реконструкция қилинаётган, тубдан таъмирланиб, жиҳозланаётган мактаблар сони йилдан йилга ортиб бораётир. Мутлақо янгича замон ва шаклдаги замонавий Президент мак-

таблари, ижод ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари барпо этилиб, ўқувчиларнинг жаҳон андасига мос таълим олишига имконият яратилди. Улар тажрибаси умумтаълим мактабларига ҳам таъбиқ қилинаётгани яқин йилларда самара бера бошлайди.

Қолаверса, олий ўқув юртлири, кўплаб касб-хўнара мактаблари, коллеж ва техникумлар ёшларнинг келгусида танлаган соҳаси бўйича етуқ кадр ва малакали мутахассис бўлиши учун хизмат қилмоқда. Ўнлаб ОТМда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, олий таълим олиш ҳамда масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Тугаланаётган ўқув йили тарихга оламшумул зафарларни муҳрлаётир. 2023 йил сентябрийдан буён халқаро олимпиадаларда 5 та олтин, 12 та кумуш, 25 та бронза медаль қўлга киритилган. Бундан 2 та олтин, 3 та кумуш, 8 та бронза медаль айнан 11-синф ўқувчилари ҳиссасига тўғри келди. Жорий йилда Самарқанд шаҳридаги 51-иқтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 10-синф ўқувчиси, бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Вилана Саваддан ва Хоразм вилояти Хива шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси Зулфия Шомуродова Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди.

► Давоми 3-бетда

Ўзбекистон — Россия: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Президенти Владимир Путин 26-27 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг юксак даражасини яна бир бор тасдиқлайди. Чунки бу Россия раҳбарининг мамлакат Президенти этиб қайта сайланганидан кейин амалга ошираётган хорижий ташрифларнинг дастлабкиларидан бири.

Ўзбекистон ва Россия стратегик шериклардир. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 20 мартда ўрнатилган. 2005 йилда икки давлат Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани, 2022 йилда эса Кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияни имзолади.

Икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган илқ ва дўстона муносабатлар



турли кўринишдаги мунтазам алоқалар ва телефон орқали мулоқотлар билан қўллаб-қувватланиб, сиёсий мулоқотни фаоллаш-

тириш ва барча соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

► Давоми 2-бетда

ХАЛҚАРО ЛОГИСТИКА

ШИМОЛ-ЖАНУБ ТРАНСПОРТ КОРИДОРИ

У мамлакатимиз учун қанчаллик муҳим?

Президентимиз жорий йилнинг 8 май куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши мажлисидаги нутқида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бир неча устувор йўналишларига тўхталган эди. Шулардан бири Шимол-Жануб транспорт йўлагини ривожлантириш масаласи бўлган.

Мазкур транспорт коридори мамлакатлар иқтисодиёти раванқидо муҳим роль ўйнайди. У, бир томондан, Европа Иттифоқидан то Сувайш каналига қўлган ҳудудларни қамраб олса, иккинчи томондан, Европа Иттифоқидан то Хиндистон, Покистон портларигача етиб боради. Бу савдо йўлиги йирик лойиҳа бўлиб, уни ташкил этиш бўйича 2000 йилда Россия, Эрон ва Хиндистон ўртасида келишув имзоланган. Орадан икки йил ўтиб, мазкур йўлак расман очилган.

► Давоми 4-бетда

Ҳайдар ФАРМОН: “УМИД ҚИЛАМИЗКИ, БУ ФУРСАТ ЯҚИН”

5

Юксак шижоатли ёшларни кўриб, ҳавасингиз ортади. Боиси, бугунги йигит-қизлар кечагидек эмас. Улар учун берилган имкониятларни санаб адоғига етиш қийин. Аввал бирор мактабнинг қанча битирувчиси талабалikka эришгани сўралган, бугун эса улар муддатидан олдин олийгоҳда ўқиш бахтига муяссар бўлгани ҳақида гап боради.



2024 йил 25 май, 101-сон

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

Оўнгиш кўнғирок — ИСТИҚБОЛ ИБТИДОСИ

Режалар пухта, мақсад аниқ, демак, йўл ойдин

Бошланиши 1-бетда

— 2023/2024 ўқув йили вилоятимиз ўқитувчилари ҳаётида ҳам, ўқувчилари ҳаётида ҳам муваффақиятларга бой йил бўлди. Халқаро ва мамлакат миқёсидаги фан олимпиадаларида, турли нуфузли танловларда, спорт мусобақаларида ўқувчиларимиз совринли ўринларни кўлга киритди. Ўқитувчилар ютуғи ҳам салмоқли. Вазир жамғармасидан ҳар ойлик устамага номзод сурхондарёлик 242 педагогнинг 68 нафари белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиб, устама олиш имкониятига эга бўлди. Энди ушбу малакали педагог кадрларга 9 ой давомида меҳнатга ҳақ тўлашини энг кам миқдорининг 5,5 баробарига тенг ушбу тўланади. Масалан, Денов туманидаги 2-ихтисослаштирилган

мактаб-интернатининг 4 нафар ўқитувчиси маъзур устамага лойиқ кўрилди. Бир мактабдан 4 педагогнинг устама учун синовлардан муваффақиятли ўтиши илм масканларимизда таълим-тарбия ишлари самарали олиб борилаётганини кўрсатади, — дейди Сурхондарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиги Хусниддин Мамадиев. — Бу ўқув йилида вилоятимиздаги 983 та мактаб, жумладан, 961 та умумтаълим мактаби, 17 та ихтисослаштирилган мактаб, 1 та Президент мактаби ва 4 та нодавлат мактабини 81 миңдан зиёд ўқувчи битиради. 11-синф битирувчиларининг 590 нафарига олтин, 129 нафарига кумуш медаль топширилади.



38 ЖУФТ ҚОРАКЎЗ – МЕНИНГ БОЛАЛАРИМ. УЛАРНИНГ ТОЛЕИ БАЛАНД БЎЛИШИГА ИШОНАМАН

Бугун ўзини таълим-тарбияга дахлдор санаган ҳар бир инсон учун шуқувчи кун. Айниқса, митти кўлчалардан тутиб, ёзини ўргатган, ҳарф танитган, мурғак қалбларга эгу гоиларни сингдирган илк устоз — бошланғич синф ўқитувчилари ҳаётида ҳам муҳим. Уларнинг базиси тўрт йил бағрида ўз фарзандлик асраб-авайлаган, билим берган ўқувчиларини бугун юқори синфга кузатмоқда. Бу ўқитувчиларнинг қалбида ҳам қувонч, ҳам хавотир, муҳими, катта умид ҳамда ўқувчиларига айтар сўзлари бор.

ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАГАН ОРЗУСИГА ЕТАДИ

Ёшларнинг бугунги қадами эртага мустақам таянчга, халқимизнинг асосий маданий-маърифий, бадиий-ижодий, иқтисодий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, интеллектуал кучига айланади. Шундай экан, уларнинг дунёқароши, тафаккури қай даражада илгор бўлиши, ҳозирги даврнинг юксак талабларини ўзига мўлжал қилиб олиш, шунга интилиш салоҳияти мамлакатимиз истикболини, миллатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини белгилаб беради. Бугун атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга янгича қарашни, уларни бутун мураккаблиги билан идрок этишни, сиёсий, иқтисодий, маънавий мезонларда баҳолашни талаб этмоқда. Шу боис, янги жамият барпо этиш жараёнида инсонга ва жамиятга, бутун борлиққа муносабатини ўзгартириш, иқтисодий онгни янгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бугун катта ҳаёт билан юзма-юз бўлиш арасида турган ёшлар замон талабларига жавоб бера оладими? Улар келажакка қандай тайёргарлик билан оидим кўймоқда? Биз ёшларга юзландик.

Абдулла ФАТҲУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳридаги 186-мактаб битирувчиси:



— Биз ўн бир йил таълим олган жонажон мактабимиз, ота-онамиздек азиз бўлиб қолган меҳрибон устозларимиз билан хайрлашапмиз.

Олдинда мустақил ҳаёт кутиб турибди. Улғайиш масъулиятини буйнимизга олишимиз керак. Кечагина мурғак қалб билан биринчи синфга қадам қўйгандик. Кўз очиб-юмгунча мактабни битиряпмиз. Шу паллада ортга қараб, нималарни ўйлаяпман?

Мана, мактабни аъло баҳоларга тамомлаётиман. Кечаю кундуз тиним билмай қилган ҳаракатларим самарасини ҳозирдан кўра бошладим. Устозларим тавсисин билан 10 та олий таълим муассасасига имтиҳон топшириб, шундан 7 тасига муддатидан аввал ўқишга қабул қилиндим. Иқтисод фанига иштиёқим кучли бўлгани туфайли бу фанни астойдил ўргандим. Шу соҳада ўзимни кўра олдим. Бундан ташқари, хорижий тилларни пухта эгалладим. Чет тилини билиш соҳамни хориж тажрибаси асосида ўрганиб боришим учун зарур. Албатта, бирор хорижий тилни билиш замон талаби. Ҳали вақт бор, яна ва яна ўқишга топшириб, билимимни текшириб кўравераман. Бўлди, энди ўқишга кирдим, деб тўхтаб қолмоқчи эмасман. Тўхтаб қолган киши ютқазади. Буни устозларимиз ўргатган.

Моҳинур СУЮНОВА, Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 35-мактаб битирувчиси:

— Чет тилларга қизиқиш болалигимдан уйғонгани учун бошқа фанлардан кўра инглиз тилига кўп эътибор қаратардим. Аксар вақтим тил ўрганишга кетарди. Кўзгуга қараб, инглизча гапирар, ўзимнинг талаффузим ўзимга ёқиб, хурсанд бўлиб кетардим. Табиийки, сўзларни чиройли талаффуз қилмасам ҳам инглиз тили ўқитувчимизга ўқашга уринардим. Кўзгуда ўзимнинг қиёфамда устозимизни кўрардим. Ана шу қизиқиш, қолаверса, интилишларим натижасида инглиз тили бўйича фан олимпиадасининг республика босқичида 1-ўринни эгалладим. Бу даражага етиб боришим, тўғриси, осон бўлмади. Устозларимнинг берган билими, эътибори, меҳри, қолаверса, ота-онам билдирган юксак ишонч туфайли буни урдаладим, дея баралла айта оламан.



Илмира БУЛАТОВА, Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 168-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Ўқитувчилик мақомининг илк белгиси болажонликдир. Болаларни севмайдиган, бор меҳрини тақсим қилолмайдиган ўқитувчининг яхши педагог эканига ишонмайман. Фаолиятим давомида кўпбал болалар билан ишлашдан қувватимиз фарқли. Бироқ болаларни борича қабул қилдим, уларнинг нигоҳида ўзимнинг аксимни бахтиёр кўришни истадим. Мана шу истақ педагогик фаолиятимда фақат фойда келтирди.

Ҳар бир дарсга тайёргарлик билан кирман. “Улар бола-ку, тайёргарлик кўрмаганимни қаердан билиди?” деган фикр — энг катта душманимиз. Тажрибам бор-ку, деган кунимиз, билингни, кунимиз самарасиз ўтди. Бугун технологиялар шиддат билан ривожланаётган, илм-фан тараққий этиб, ҳатто болалар ҳам илм-фан ютуқларидан ҳар 45 дақиқа — жамият, эл-юртнинг омонати. Бу омонатга хиёнат қилишга ҳаққимиз йўқ. Бугун шу дақиқаларни ҳурмат қилсак, эртага иззат кўраимиз.

Ўқитувчига энг катта мадад — ота-оналар кўмаги. Улар фарзандининг синф раҳбарига ишонч билдирса, кўллаб-қувватласа, дарс жараёнига самарали ердан беради. Чунки ўқитувчи мактабда

Башорат ЮНУСОВА, Мансурбек ЖАББОРОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбирлари

— Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади, — дейди Қашқадарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиги ўринбосари Мақсуд Панжиев. — Улар учун шунча кенг имконият очилган, қай томон бўл узадса етади. Фақат олдинда интилиб, етарли билим олма, бўлгани, Илгари биргина Тошкентга бориб ўқишини ўзи биз учун катта шараф эди. Бугун улар шу шаҳарда туриб, дунёнинг нариги чеккасидаги университетга ўқишга кирмоқда. Тил билиш эса муаммо бўлмай қолди. Мактабнинг ўзидаёқ инглиз ва рус тилларини яхши ўзлаштиришмоқда. Болаларнинг кўпи мустақил тайёргарлик, ўқитувчилари кўмагида етуқ билимга эга бўлмоқда. Рости, ҳозирги ёшларнинг шижоати бандлидиги кишини ғурурлантиради. Буларнинг интилишларини кўриб, Учинчи Ренессанс мейморлари воғга етаётганига шубҳа қилмайсиз киши.

2023/2024 ўқув йилида вилоятдаги мактабларни 43 миңдан зиёд ёш битирмоқда. Шулар орасида юздан ортинги олтин, йигирмага яқини кумуш, бир юз йигирмадан зиёди бронза медалга муносиб кўрилди. Энг қувватли, ўтган йили 638 битирувчи муддатидан олдин талабалikka тавсия этилган бўлса, бу йил 865 нафари бо тахтга эришти.

Абдулатиф Халилов ҳам бу йил мактабни битиряпти. Алишер билан бир синфда ўқийди. У ҳам муддатидан олдин Малайзия, Туркия, Кипр каби давлатларнинг олий ўқув юрларида ўқиш сертификатини кўлга киритган. — Бу натижага эришимизда ўқитувчиларимнинг ҳиссаси катта, — дейди Абдулатиф. —

Зулфия ШОМУРОВА, Хива шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси:

— Оиламиздаги илк қиз назира бўлганим учун бобом “Зулфияхоним издоши бўлсин!” дея яхши ният билан менга Зулфия исминини қўйган. Бу ном туғилганимдан оқимамга катта масъулият юклаган. Бобомнинг ниятига яраша қиз бўлиш учун интилдим, яхши ўқидим. 6-синф ўқувчиси эдим. “Президент мактаблари очилар экан” деган гап-сўз пайдо бўлди. Ана шундай мактаблардан бири бизнинг Хивада ҳам очилди. Ҳеч иккиланмай, ҳужжатларимни топширдим. Икки босқичли имтиҳонлардан юқори балл тўплаб, Президент

мактаби ўқувчилари сафидан жой олдим. Бундай мактабда таълим олишимиз масъулият катта. Халқаро фан олимпиадаларида қатнаша бошладим ва шу кунгача бир қанча ютуқларга эришдим. Жумладан, Халқаро STEMCO олимпиадасида биология фанидан 1-ўринни, кимё ва математика фанларидан 2-ўринни эгалладим. Россиянинг Таълим ва тарбия академиясига ўтказган “Халқаро илмий ишлар ва мақолалар” танловида 1-ўринни олиб, диплом ва “Таълимдаги хизматлари учун” махсус олтин медали билан тақдир-



ландим. Бундан ташқари, халқаро IELTS сертификатини кўлга киритиб, АҚШнинг 10 га яқин нуфузли университетига жами 582 миң АҚШ доллари қийматидаги грантни кўлга киритдим. Улар орасида Аризона, Барри ва Миннесота университетлари бор. 2023 йили “Just fiction” халқаро нашриётда илк шеърли тўпلامим нашрдан чиқди. Тўпلامдан ўзбек ва инглиз тилида ёзилган шеърларим ўрин олган. Эришган барча ютуғим учун таълим йўналишида Зулфия номидаги давлат мукофотига муносиб кўрилдим. Президент мактаби ўқувчиси бўлганим бир карра масъулият юкласа, бу мукофот соҳибаси бўлганим масъулиятни янада оширди, десам муболагага йўймаг.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ТАЛАБАЛИК

Қашқадарёда 865 битирувчи ОТМларга тавсия этилди

Бугун барча умумтаълим муассасаларида сўнги кўнғирок чалиниб, ўқув йили якунланади. Ўн бир йил ўқиб, кадрдон бўлиб қолган мактаби, ўқитувчилари ва синфдошлари билан хайрлашиш битирувчиларга осон кечмайди. Шундай бўлса-да, мустақил ҳаётга қадам қўйишнинг гашти ўзгача.

Юксак шижоатли ёшларни кўриб, ҳавасингиз ортади. Боиси, бугунги йигит-қизлар кечагидек эмас. Улар учун берилган имкониятларни санаб адоғига етиш қийин. Аввал бирор мактабнинг қанча битирувчиси талабалikka эришгани сўралган, бугун эса улар муддатидан олдин олийгоҳда ўқиш бахтига муяссар бўлгани ҳақида гап боради. Бу ёш авлод учун яратилган имкониятлар самара бераётганидан далолат. Буни Қашқадарё вилоятидаги ёшлар ютуқлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Шифкорликка қизиқиши юқори Алишер кимё ва биология фанларини чуқур ўзлаштиришга интилиб келади. Бу соҳада ишлаш кишини етарли билим талаб этишини яхши билади. Шу боис, доим китоб ўқишга, ўз устида жиддий ишлашга ҳаракат қилади. Ўқитувчилари ўғитига амал қилиб, вақт топди дегунча илмий оширишга киришади. Унинг билимга интилувчанлигидан мамнун бўлган ота-онаси ҳам

етарли шарт-шароит яратган. Мунтазам ўқишни суриштириб, керакли маслаҳатлар бериб келмоқда. Алишер 11-синфга ўтган тенгдошлари қатори бирор ОТМда ўқиш учун ариза топширишчи режалаштириб юрган кунлари бир ўқитувчиси кўп университетларга онлайн имтиҳон топшириб, барвақт тўхтаб бўлиш мумкинлигини айтиб қолди. Ўсмир дарҳол изланишга киришди. Қулайликдан фойдаланиб, билимини амалда синаб кўришга аҳд қилди. Хорижий университетларнинг электрон манзилини топиб, интернет орқали рўйхатдан ўтди. Керакли курсатмаларни бажариб, имтиҳон топширишга рухсат олди. — Чет эл университетларига тест топширдим, — дейди Қарши шаҳридаги 5-мактаб ўқувчиси Алишер Собиров. — Аввалига бир оз ҳаяжон босган бўлса-да, жавобларни аниқ топдим. Натижага келсак, бир йўла еттига олийгоҳга



талабалikka тавсия этилдим. Бештаси хорижда, иккитаси юртимизда. Ҳозир талаш имконияти бор. Шу сабаб бу билан тўхтаб қолмоқчи эмасман. Бошқа чет эл олийгоҳлари имтиҳонда ҳам иштирок этмоқчиман. Энг асосийси, тиббиёт йўналишида пухта билим олиб, шифокор бўлмоқчиман.

Репетитор ердасиз тайёргарлик кўргандим. Кўпчилик ўқув марказларига қатнашим кераклигини айтганам. Мустақил ўқиб, инсон астойдил интилса, орзусига эришиши мумкинлигини амалда синаб кўрдим. Асосий қизиқишим бизнес йўналиши бўлгани учун шу соҳа ўқитиладиган университет имтиҳонидан ўтиб, талабалikka тавсия этилдим. Насиб этса, Кипрдаги университетда ўқишни мақсад қилиб турибман. Ушбу мактабнинг яна бир битирувчиси Мамура Аралова аллақачон талабаликни нақд қилиб қўйди. Таъкидлашчи, у Қарши шаҳридаги иккита университет теҳноҳонидан яхши ўтиб, ўқишга қабул қилинган. Лекин изланувчан қиз бу натижа билан тўхтаб қолмоқчи эмас. Корейс тилига қизиқиши бандлидиги боис, шу йўналишида ўқишни давом эттириш истагиди. — Ўқувчиларнинг билимга чақоқлиги йилдан йилга ортиб бормоқда. Буни ёшларнинг ютуқлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтган йили мактабимиз битирувчиларидан 18 нафари муддатидан олдин талабалikka тавсия этилганди. Жорий йилга келиб, бу натижага 26 ўқувчимиз эришти, — дейди Қарши шаҳридаги 5-мактаб директори Лазиз Холов. — Жорий ўқув йилида 101 йигит-қиз мактабимизни битирмоқда. Деярли барчаси олий ўқув юрла-

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

BUGUNNING GAPI

Март-апрель ва май ойларида мамлакатимизда сезиларли даражада кўп ёгингарчилик кузатилди. Бундай ҳолат, хусусан, шу кунларда ҳам давом этмоқда. Дехқончилик, сугориш мавсумидаги етишмовчиликлар ҳақида ўйласак, ёмғир ёққани яхши, албатта. Чунки бугунги ёмғир қишлоқ хўжалиги экинларининг сувга талабини қисман қондириш, тупроқдаги намликни сақлаб туришда жуда катта аҳамиятга эга.

ЁГИНГАРЧИЛИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ?



Фарҳод ҚЎЗИЕВ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи

Шу боис, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари жорий йилда юртимизда кутилаётган сув ресурслари прогнози ҳамда сугориш мавсумида қишлоқ хўжалиги экинларини қафолати сув билан таъминлаш бўйича маълумотларни таҳлил қилиб бормоқда.

Гидрометеорологик вазият таҳлили ва дастлабки баҳолашга қўра, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида бу йилги сугориш мавсумида кутилаётган сув миқдори кўп йилликка нисбатан ўртача 15-20 фоиз кам бўлиши мумкин. Шунингдек, бугун мамлакатимиздаги сув омборларида жами 13 миллиард куб метр сув йиғилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,9 миллиард куб метр кўп.

Юртимиздаги сугориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун жорий йил сугориш мавсумида жами 38,2 миллиард куб метр, жумладан, асосий экинларга 30,2 миллиард куб метр ҳамда аҳоли томорқаси ва тақририй экинларга 8 миллиард куб метр сув талаб этилиши ҳисоб-китоб қилинди. Шунга асосан, сув захираларини яратиш ҳамда тежамкорлик борасида тегишли чоралар кўриломоқда.

Оқорида айтганимиздек, ёгингарчилик тупроқдаги намликни сақлашда катта ёрдам беради. Бироқ бундай сурункали

ёгингарчилик доим ҳам кузатилавермайди. Мисол учун, 1 гектарга ўртача 10 миллиметр ёмғир ёғса, ушбу майдонда 100 куб метр сув, 100 миллиметр ёғса, 1000 куб метр сув ҳосил бўлиши мумкин. Юртимизда қишлоқ хўжалиги экинларини бир маротаба сугориш меъёри эса 1000-1300 куб метрни ташкил этади. Демак, 100 миллиметр ёмғир ёққан тақдирда ҳам қишлоқ хўжалиги экинларининг сувга талабини тўлиқ қондирмайди. Шунинг учун сурункали ёгингарчилик даврида ҳам сувдан самарали фойдаланиш, тежаб ишлатиш тавсия этилади. Бироқ баҳорги ёгингарчиликнинг меъёрдан ортқича бўлиши лалми ва сугориладиган майдонларда парваршиланаётган галла учун фойдали бўлиб, ҳосилдорлик орттиришга хизмат қилади.

Ҳисоб-китобларга қўра, Ўзбекистоннинг катта қисмида мавжуд ва кутилаётган агрометеорологик шароитдан келиб чиқиб, кузги бутдой ҳосилдорлиги охириги 5 йилдаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиши кутилмоқда. Бундай қулай об-ҳаво шароити Марказий Осиёга яқинлашиб келатган қишлоқ хўжалиги мавсуми учун оптимистик прогнози тақдим этмоқда.

Об-ҳавонинг серёгин ва салқин келиши галла пишиш даври узайтириши, кўзланган дон ҳосили орттиришга қулай шароит яратяди. Аммо об-ҳавонинг кунлик ҳарорати ўртача 23°C дан паст, ҳаво намлиги 60 фоиздан юқори бўлса, галлани сариқ занг, ун шудринг касалликлари ҳамда шира босади. Оқибатда бошоқ тўла шаклланмайди, дон сифати ҳамда ҳосилдорлик пасаяди.

Шунингдек, тупроқ гипс қатлами яқин жойлашган ҳудудларда ёгин миқдори кўпайиши ҳисобига сув филтрацияси



қийинлашади. Сув гипс қатлами ва ўсимлик илдири ўртасида қолиб кетади. Ҳарорат кескин кўтарилиши натижасида тупроқ қатламидagi илқ сув ўсимлик пояси бўйлаб кўтарилади. Оқибатда бошоқдаги дон пучайиб қолади. Ғаллазорлар атрофида бегона ўт кўпайиб, турли касалликлар ҳам ривожланиши мумкин.

Сурункали ёгингарчилик гўза майдонда ортқича намликнинг орттиришга олиб келмоқда. Бу эса чигит униб чиқатган ернинг юза қисми зичлашиб, қатқалоқ ҳосил бўлишига, далаларни бегона ўт босиши туфайли ўсимлик илдири ривожланмаслигига, оқибатда минерал ўғитларнинг самараси камайишига сабаб бўлади.

Хусусан, тупроқда намлик ортиши ҳамда ҳаво ҳароратининг пасайиб кетиши гўзадаги кузги тунлам, шира, трипс, оққанот зараркундалари ва гоммоз, илдири чириши каби касалликлар кўпайиши учун қулай шароит яратиб, экиннинг ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ёмғир сабабот, полиз ва картошка ўсимликлари баргидеги чангни ювиб, тозалайди. Бу эса ўсимликнинг нафас олиниши яхшилайди ва фотосинтез жараёнини тезлаштиради. Ҳаво қуриб, ҳарорат кўтарилишида ўсимликлар кучини тежаш жараёнига ўтади. Нафас олувчи тешикчалари устида юпка пленка ҳосил қилиб, буғлаши жараёнини секинлаштиради. Ёмғир ёққанда ҳаво намлиги ортада ва ҳарорат пасаяди. Шунда ўсимликларнинг нафас олувчи тешикчалари қайта очилади. Натижада ўсимликлар озуқа моддаларини тезкорлик билан сингдира бошлайди.

Узлуксиз ёгингарчилик касаллик кўзгатуви учун мақбул шароит пайдо қилади. Ушбу шароитда уруғ мевали боғларда ун шудринг, калмараз, қора бактериял рак ва мониллоз касалликлари, данак мевали боғларда эса ксилтероспороз (тешикли доғланиш), мониллоз, ун шудринг, шафтолиннинг барг бужмайиши каби касалликлар кескин ривожланади.

Ушбу шароитдан келиб чиқиб, нафақат галла ва пахтачиликда, балки қишлоқ хўжалигининг барча йўналишида зарур чоралар қўрилиши, агротехник тадбирлар ўтказилиши талаб этилади. Бунинг учун зарур тавсиялар ишлаб чиқилган.



ХАЛҚАРО ЛОГИСТИКА

ШИМОЛ-ЖАНУБ ТРАНСПОРТ КОРИДОРИ

У мамлакатимиз учун қанчалик муҳим?

Одилжон ТОПИЛДИЕВ, тарих фанлари номзоди, доцент

Бошланиши 1-бетда

Узулиги 7200 километр бўлган транспорт йўлаги Хиндистондан Санкт-Петербургга товарлар етказиб бериш мuddатини 30-40 фоиз қисқартириш имконини беради. Яъни бугунги кунда Мумбайдан Москвага ушбу йўналиш бўйича контейнер юкларини ташини учун 30 кундан кўпроқ, уларни Сувайш канали ва Европа бўйлаб Санкт-Петербург орқали келтириш учун эса ўртача 45 кун вақт талаб этилади. Шундай экан, орадаги мuddатни қисқартириш ҳар жиҳатдан фойдали. Буни мутахассислар ҳисоблаб, таҳлил қилиб чиққан. Шимол-Жануб транспорт коридорининг потенциал қуввати йилга тахминан 15-16 миллион тонна юк эканини, вақтдан ютиш орқали 1,5-2 миллиард доллар тежаш мумкинлигини инobatта олсак, унинг аҳамияти янада ортади.



ташви ҳажмини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида таъкидланган. Шимол-Жануб халқаро транспорт коридори санoат инфратузилмаси учун ҳам, мамлакатлар билан товар айирбошлаш ҳажмини оширишда ҳам катта аҳамиятга эга.



Ушбу савдо коридори Ўзбекистон учун қанчалик муҳим? Қайд этиш керакки, бу, биринчи навбатда, савдонинг молиялаштиришга йўл очиб, логистика йўналишида қатор қулайликлар яратяди. Яъни маҳсулотни тез ва арзон етказиб беришда қўл келади. Бу бугунги замон тадбиркори учун зарур бўлган энг асосий жиҳатдир. Умуман, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, минтақавий иқтисодий интеграцияни йўлга қўйишда халқаро транспорт йўлаклари алоҳида ўрин тутяди. Шу боис, ҳозирги кунда бундай йирик ва муҳим лойиҳаларни кенгайтиришга катта эътибор қаратиломоқда.

Кейинги йилларда Осиё ва Европа ўртасидаги юк ташини ҳажми ортиши фондида халқаро транспорт коридорлари, жумладан, мультимодал йўлакларнинг ўтказиш қобилиятини ошириш ва фаолиятини барқарорлаштириш вазифаси тобора долзарблашиб бораётган. Шимол-Жануб халқаро транспорт йўлаги бундан икки йил аввал Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ESCATO) транспорт қўмитасининг Бангкоқда бўлиб ўтган 7-йилги мажлисида ҳам тилга олинган бежиз эмас. Ушунда мамлакатимиз транзит имкониятларини, ташқи савдо юкларини ташини учун “яшил йўлаклар” яратиш ҳамда транзит юк

Ушбу йўлак рақамли тижоратни ривожлантириш баробарида тез бузилмаган товарларни етказиб беришда, транспорт харажатларини камайитиришда, умумий транспорт инфратузилмасини мувофиқлаштиришда айни мuddаодир. Шунингдек, у Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш мақсадимизга ҳам мос келади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажминини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш мақсади белгиланган. Бунга эришиш учун хорижий инвестицияни фаол жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш зарур. Шунга мос равишда жорий йилнинг тўрт ойида мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси ўсиш суръати 105,9 фоизни, экспортда 109 фоизни, импортда 103,9 фоизни ташкил этгани диққатга sazovorдир. Иқтисодий ривожланишда эса транспорт йўлаклари, логистика хизматлари катта аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари шунинг учун ҳам Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари бозорлари билан боғловчи Шимол-Жануб транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича яқин мулоқотни давом эттириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Ташаббус қанот ёзди

УЙДА ЎТИРИБ ҲАМ БОЙИШ МУМКИН, ФАҚАТ...

Мирзачўл туман бўлибдики, аҳолиси зиммасига пахта етиштириш ва давлатга “тортиқ” қилиш вазифаси юклатилган эди. Мирзачўлликлар етиштирган ҳосилдан тўқилган мато билан бутун ер юзидagi куруқликни қоплаб чиқиш мумкин, дейишса, ажабланмаган бўлардик. Аммо кейинги етти йилда туманда кўз қўриб, қулоқ эшитмаган ўзгаришлар юз берди.

“Халқимиз келажакда эмас, бугун яхши яшайми” учун амалга оширилган ўнлаб дастур ва лойиҳалар натижаси ўларок, бугун Мирзачўлнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Замонавий турар жойлар, раво йўллар, обод хиебонлар куриди.

Гўзаллик инсон руҳиятига, тафаккурига ҳам таъсирини ўтказмай қўймайди, энг муҳими, одамлар дунёқарашини ўзгарди. Кечагидай чордевор уйларида яшаб бўлмаслигини тушуниб етишди. Улар “Бизнинг маҳаллада қачон “Обод маҳалла — обод кўча — обод хонадон” лойиҳаси амалга оширилар экан?” дея кутуб ўтирмади. Ҳар бир кўча, ҳар бир хонадонни обод қилишга киришилди, бу ишларга “маҳалла етиллиги” бош-қош бўлмоқда.

Дийржон Шаҳарбоев мактабни тутатганидан кейин “Қайси соҳада тадбиркорлик қилсам экан?” деб ўйлаб қолди. Мирзачўл туманида имконият катта — ер олиб деҳқончилик қилиш, чорва моллари боқиб кўпайтириш ҳам мумкин. Лекин у ана шу аънаваний соҳаларга янгилик олиб киришни хоҳларди. Иттифоқо, телевизорда риштонлик кулоллар ҳақидаги кўрсатувни томоша қилиб, уларнинг бир қафт тупроқдан мўъжиза

яратяётганидан ҳайратга тушди. Унинг қалбида бир учкун пайдо бўлиб, алангага айланганди. “Мен туманда кулоллик устахонаси очаман” деган қарорга келди.

Тонг отишини сабрсизлик билан кутди. Эрталаб маҳаллада ишлаб ўтирган ҳоким ёрдамчиси Фарида Хўжановага учрашиб, мақсадини айтди.

— Устахона очиш билан иш битмайди, кулоллик санъати жуда қадимий бўлиб, мамлакатимизда унинг мактаблари мавжуд, — деди ҳоким ёрдамчиси. — Уша мактабларга бериб, уста кулолга шоғирд тушишинг ва касб сирларини кунг билан ўрганишинг лозим.

Дийржоннинг қарори қатъийлигини кўрган Фарида Хўжанова маҳалла раиси Қалдирғоч Кажабоева билан маслаҳатлашиб, уни Фарғонага ўзи олиб борадиган бўлди. Ҳоким ёрдамчиси Риштонда яқна тартибда тадбиркорлигини ташкил этган уста Мақсуджон Эшовов билан учрашиб, Дийржон билан таништирди ва мақсадларини баён этди.

— Дастгоҳни айлантирган билан ҳамма уста бўлиб қомайди. Эскичасига айтганда, усталик қонда бўлиши керак, риштонлик

кулолларнинг аксарияти устазодалар ҳисобланади, — деди Мақсуджон Эшовов.

Дийржон аҳдида қаттиқ турди. Азиму қарориди собилтигини кўрган устоз уни шоғирдликка қабул қилди. Фарида Хўжанова маҳалладошини ишончли қўлларга топширганидан хотиржам бўлиб, Мирзачўлга қайтди.

Орадан ойлар ўтиб, Дийржон дастгоҳда идиш ясаш, куйдириш ва безак бериш ишларини эркин бажара бошлади. Шундан сўнг устозни унга оқ фотиҳа бериб, мустақил ишлашга рухсат берди.

Қайтиб келганидан кейин ҳам унга устахона очиш учун жой ажратиш каби муаммоларни ҳал этишда маҳалла етакчилари жон куйдирди. Ҳоким ёрдамчиси саъй-ҳаракати билан туман марказидаги 1-умумтаълим мактабидан жой ажратиб берилди. Фақат мактаб маъмурияти “Тўғарак ташкил этиб, бу хунарни юқори синф ўқувчиларига ҳам ўргатсин” деган шарт қўйди. Бу айни мuddао эди.

— Ҳозир кулоллик тўғарагага 40 нафар ўқувчи қатнайдди. Улардаги қизиқиш шунчага етказиб қўйиш учун кечгача қолди кетишлати. Тўғаракка қатнашаман деб бошқа дарсларини ташлаб қўймагани учун уларни мажбурлаб уйига жўнатаман, — дейди Дийржон. Янгиликнинг қаноти бор, дейишди. Тенгдошлари кулоллик тўғарагага қатнашаётганини эшитган ўқувчилар бошқа мактаблардан ҳам кела бошлади.

Ўзбекистонда қадимдан ҳар воҳанинг хунармандлик марказлари бўлган. Ишлаб



чиқариш услуби бўйича кулоллик иккита асосий турга бўлинган — сирланган ва сирланмаган. Сирланган кулоллик қадим тарихга эга. VIII аср охири — IX аср бошида Мовароуннаҳр заминида сирланган кулоллик маҳсулотлари тайёрлаш кенг тарқалган. Шу даврда ушбу услуб бадний камолотга эришди. Сирланган идиш ва ашёларга беришган ранг, турли безак ва шаклларга аждоқларимиз қалб қўри, юрак туйғуларини қўшиб, оддий хунармандликни санъат даражасига кўтарган. Улар тайёрлаган турли идишлар бугун жаҳоннинг энг машҳур музейларида сақланмоқда.

Дийржон Шаҳарбоев тўғарагага қатнаётган ўнлаб ёшлар дастгоҳда сирланмаган идишлар ясашни ўрганиб, устозига ёрдам бермоқда. Дийржоннинг ўзи эса адабиётлардан Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм мактаблари, шаҳар ҳамда туманлардаги кулоллик марказлари тажрибаси, усулларини ўрганоқда. Тайёр идишларни сирлаб, уларга безак беради. Асосан, яси идишлар

(қоса, пиёла, лаган) ва буюртмалар асосида совғага мўъжалланган маҳсулотлар тайёрламоқда.

Усталар тили билан айтганда, сополга тарих ёзилади. Қадимшунослар қазилма ишлари олиб борар экан, топилган сопол парчалари, идишларга қараб, ўтмиш даврларни тавсифлайди, маданият, санъатнинг нечоғлиқ тарвақлини, маданиятнинг нечоғлиқ тарвақлини эътиборини айтиб беради. Бугун Мирзачўлда ёш устанинг қалб ами билан ташкил бўлган кичик устахона келажакда балки Жиззах кулоллик мактабига пойдевор бўлар ва вилоятда ҳам халқ амалии санъати гуллаб-яшнаганидан келажакка хабар беради.

Умуман олганда, Мирзачўл туманида аждоқларимиз қадриятларини тиклашга жиддий эътибор қаратиломоқда. Дўстлик маҳалласида ўн етти милаат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири ўз маданиятини асраб-авайламоқда. Ипақдан ўзига ҳоким берилган қозоқ чакмонлари, тўн ва ятаклари, хотин-қизлар учун тикилган кийимларни кўрсангиз, шунчаки

кийим эмас, ҳақикий санъат асари эканига ишонч ҳосил қиласиз. Гилам ва турскизлар билан безатилган ўтовга кирсангиз, баҳри дилингиз очилади.

Боғбон маҳалласида ҳам хунармандлар сафи ортиб бормоқда. Яқна тартибдаги тадбиркор Гули Араובה битта тикиш машинаси билан фаолият бошлаган эди. Ҳозир етти қўшни аёлни ишга қабул қилиб, маҳсулотларини Қозоғистон, Қирғизистон бозорларига етказиб бермоқда.

— Маҳалламизда қадимий хунармандлар сават тўқиш йўлга қўйилди. Уй бекаларига дастлаб сават тўқиш бўйича амалии дарслар ўтилди. Эндиликда касаначилик асосида ўндан ортқича аёл иш билан таъминланди, — дейди ҳоким ёрдамчиси Бектош Холмирзаев.

Мамлакатимизда бой маданий мерос ва тарихий аънаваларни тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий хунармандлик, халқ бадиий ва амалии санъатини янада ривожлантириш, хунармандлик билан шугулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосини ташкил этмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандликни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳада катта ижобий ўзгаришларга асос яратди, десак муболага бўлмайди. Айниқса, уйда фақат рўзгор ишлари билан ўралашиб қолган хотин-қизлар учун тикувчилик, каштакчилик, гилам тўқиш каби қадимий касбларни давом эттириш имкониятини пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда вилоятнинг қайси тумани, маҳалласига борманг, хонадонда хунармандлик бўйича ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган онажонларимиз, опа-сингилларимизни учратасиз. Шу тарихи аждоқларимиз касб-кори қайта тикланмоқда, қўшна маданиятимиз, қадриятларимиз бетакор мерос бўлиб миллат руҳига айланмоқда.

Асад МУСТАФОЕВ, журналист

Кураш

Хайдар ФАРМОН:

“УМИД ҚИЛАМИЗКИ, БУ ФУРСАТ ЯҚИН”

Миллий курашимиз бугун 180 га яқин мамлакатда расмий спорт тури ҳисобланади. Шунингдек, Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган. Эндиги вазифа курашни бошқа қитъавий мусобақалар ва Олимпия ўйинлари дастурига киритиш. Хўш, бу йўлда қандай ишлар қилинмоқда? Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) президенти Хайдар ФАРМОН билан суҳбатда шу каби саволларга жавоб излади.

— Жорий йил 7-11 апрель кунлари “SportAccord” ташкилотининг Буюк Британияда бўлиб ўтган халқаро спорт ва бизнес анъанавий саммитида кураш расман илк маротаба тасмил этилди.

“SportAccord”да иштирок этиш Олимпия ўйинларига кириш йўлида асосий қадамдир. Айтинг-чи, ХКА “SportAccord” ҳамда унинг таркибига кирувчи AIMS ташкилотлари билан қандай алоқалар ўрнатилган?

— Биз бугун халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорлик, нуфузли ўйинлардаги иштирокчилик орқали курашни қаерда ва қандай қилиб кенг миқёсда намойиш этиш бўйича тизимли ишлар қилляпмиз.

Халқаро спорт федерацияларининг жаҳон уюшмаси ҳисобланган “SportAccord” билан ҳамкорлик курашни Олимпия ҳаракатининг бир қисми сифатида жорий этиш йўлидаги муҳим қадамдир. Кураш Халқаро олимпия кўмитати томонидан тан олиншига эришиш эса айни кундаги асосий вази-фамиз ҳисобланади.

Шу мақсадга эришиш учун кўп меҳнат қилиш, барча ҳужжатлар устида ишлаш, бошқа халқаро федерациялар билан тегишли жиҳатларни муво-



май, қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу нуфузли саммитда биз учун ажратилган павильонда курашни энг яхши спорт тури сифатида тақдим этишга муваффақ бўлдик деб ўйлайман.

Павильонимизга қўлаб меҳмонлар, дунё спортидаги нуфузли шахслар, Халқаро олимпия ҳара-кати раҳбарлари ташриф буюрди. Кураш келажги билан боғлиқ режаларимизни тақдим этдик. Улар бизни қўлаб-қувватлади. Ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлади.

Кураш бугун бешта қитъани қамраб олган. Дунё бўйлаб кенг ривожланиб бормоқда.

— Кураш ўтган йили Европа ўйинлари-да тақдимот қилинган эди. Осиё ўйинлари-нинг эса асосий дастуридан жой олган. Буларнинг барчаси Олимпиада учун муҳим қадам. Айтинг-чи, олдинда яна қандай ре-жалар бор?



фиқлаштириш талаб этилади. Муҳим талаблардан бири — кураш дунёдаги бошқа тан олинган спорт турлари билан паралел келмаслиги, яъни рақобат-лашмаслиги керак. Олимпия ҳаракатининг асосий мезонларидан бири ҳам шудир.

“SportAccord” саммити давомида биз бошқа халқаро федерациялардаги ҳамкасбларимиз ва



WORLD SPORT & BUSINESS SUMMIT

дўстларимиз билан учрашувлар ўтказдик, му-зокаралар қилдик. Энг муҳими, бу йўлда қатор келишувларга эришдик. Келгуси икки ой ичида уларнинг курашни тан олиш масаласидаги ҳуло-саларини қўлга киритишдан умидвормиз.

“SportAccord” халқаро бизнес ва спорт самми-тида кураш илк маротаба иштирок этишига қара-



Бу йил барча қитъа чемпионатлари ташкил эти-лади. Июнь ойида Эронда Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Шунингдек, Туркияда Европа, Эсватинида Африка ва Доминиканда Панамерика чемпионат-лари ўтказилади.

Июль ойида Россиянинг Якутск ўлкасида Осиё болалари ўйинлари ташкил этилади. Уйлайманки, бу нуфузли спорт байрами Осиё мамлакатлари, ай-ниқса, болалар спортга эътибор қаратадиган мам-лакатлар учун муҳимдир.

Ноябрь ойида Таиландда ёпиқ иншоотлар ва жанг санъатлари бўйича Осиё ўйинлари ўткази-лади. Кураш 10 та вазнда бу ўйинлар дастуридан расман ўрин олган.

Шунингдек, тақвим режада жаҳон профессио-наллар серияси деб аталадиган турнир ҳам бор. Мазкур турнир финали ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтади. Ўзбекистон Президентини соврини учун ўтказиладиган турнирда ҳар йили дунёнинг тўрт қитъасидан энг кучли спортчилар иштирок этаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

— Мутахасссларнинг билим ва тажрибаси-ни ошириш жуда муҳим. Бу борада қандай иш-лар режалаштирилган?

— Кураш — фаол ривожланаётган спорт турла-ридан бири. Уни такомиллаштиришда янги билим, амалий ва назарий таълим энг асосий мезондир. Айни вақтда мураббийлар, ҳакамлар ва спортчи-лар учун ҳам курашни ўргатиш, малакасини оши-риш ёки қайта тайёрлаш, таълимни мувофиқлаш-тириш олдимиздаги муҳим вазифалардан бири.

Бизда бутун таълимни бошқарадиган Кураш халқаро институти мавжуд. Институт мураббий-лар тайёрлашга қаратилган таълим дастури ва ҳакамлик бўйича энг яхши илмий методикаларни тақдим этмоқда. Албатта, курашнинг ривожла-ниши ва илмий-услубий таъминотида Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

— Келгуси йил Тошкент шаҳри ўсмирлар ўр-тасидаги Осиё ўйинларига мезбонлик қилади. Кураш ушбу ўйинлар дастуридан жой олган. Бу кураш ривож учун қандай аҳамиятга эга деб ўйлайсиз?

— Ўзбекистон илк бор бундай нуфузли тад-бирга мезбонлик қилади. Тадбирнинг жуда юқори даражада ташкил этилишига ишонаман. Кураш бў-йича баҳслар 16 та вазн тоифасида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Биз аллақачон барча миллий федерациялар бил-ан ушбу ёш гуруҳининг даражасини кўтариш, ку-раш учун муносиб рақобатбардошликни таъмин-лаш борасида ишляпмиз.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, мазкур ўсмир-лар ўйинлари илк маротаба курашимиз учун Ўзе-бекистон ва бутун Осиё миқёсида улкан аудиторияни тақдим этади.

— Сизга бир шахсий савол берсам. Сиз ку-рашдан бошқа спорт турлари билан ҳам шуғул-ланасизми? Умуман, спорт ҳаётингизда қандай ўрин тутди?

— Спорт инсон учун соғлом турмуш тарзи. Мен сузиш билан шуғулланаман. Кувейт миллий терма жамоаси аъзоси сифатида қўлаб ютуқлар-га эришганман. Сузиш — ҳеч қандай зўриқишсиз, стрессиз машқ қилишнинг мумкин бўлган энг ноёб спорт турларидан бири. У профессионал ма-ҳоратни талаб қилмайди. Бир вақтнинг ўзига бо-шқа барча спорт турлари билан шуғулланишимиз ҳам мумкин. Сузишдан ташқари футбол мухлисис-ман. Барча футбол мусобақаларини катта қизиқиш билан кузатаман.

— Ўзингиз футболдан гап очдингиз. Яқинда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Париж олим-пиадаси йўлланмасини қўлга киритди. Сиз ушбу мусобақани ҳам кузатдингизми?

— Ҳа, кузатдим. Ўзбекистон олимпияси терма жамоаси ва футбол ассоциациясини бу улкан ютуқ билан табриқлайман ва чин дилдан муваффақият тилайман. Мен ўша пайтда Ўзбекистонда бўл-ганим учун эмас, балки уларнинг ўйинини, ўзбек футболининг ривожланишини кўрганим учун мухлисик қилдим. Ўзбекистон чинакамига спорт индустриясига айланаётган мамлакат. Барча спорт турларида энг юқори ўринлар учун бемалол рақо-батлашмоқда. Ҳамма ўзбекистонликларни яна бир бор табриқлайман.

— Келгуси сиз билан кураш бўйича олим-пия саралаш ҳақида ҳам суҳбатлашишга умид қиламиз.

— Албатта, бу бизнинг ҳам орзумиз. Кураш — олижаноб ва ҳалол спорт тури. У, албатта, яқин келажда Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олади. Умид қиламизки, бу фурсат яқин.

Журналист Норбек НИЁЗОВ суҳбатлашди.

Фарғона олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг икки иқтидорли спортчиси бу йил Париж мезбонлик қиладиган паралимпия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Муваффақият сари



“ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ЭМАС, ОЛТИН МЕДАЛЛАР УЧУН БОРАМИЗ!”



Ўтган йили Франция пойтахтида параенгил атлетика турлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати хотин-қизлар баҳсида Фарғона олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёр-лаш марказининг параенгил атлетика бўлими ўқувчиси Дилафрўз Аҳмадхо-нова бронза медаль соҳиби бўлди. Шу бўлим мураббийи Ёрқинбек Одилов эса найза улоқтириш беллашувда голиблар сафидан жой олди.

Ғалабали одимлар ёш атле-ларни нуфузли спорт ўйинлари қатнашчисига айлантирди. Бундай мусобақаларда иш-тирок этиш йўлланмасини олишнинг ўзи бир шараф.

Юздан зиёд мамлакат-дан келган 1200 дан ортиқ спортчи ўртасида бундай шарафли йўлни босиб ўтиш осон бўлгани йўқ, албатта. Бу ҳар бир спортчида кучли ирода, сабр-бардош, бир мақ-сад йўлида собитқадам бўлиш-ни талаб этади.

Фарғона олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази ўқувчиси, параенгил атлетика турла-ри бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Дилафрўз Аҳмадхонова номи бугун кўпчиликлка маълум. Ун йил-дан буён спорт билан ошно тутинган спортчи Рио-де-Жанейрода бўлиб ўт-ган паралимпия ўйинлари, Дубайда ўтказилган халқаро Гран-при, Токио паралимпия ўйинларида муносиб иш-тирок этди. Халқаро тоифадаги спорт устаси бўлди.

Риштон туманидаги Дутир қишло-ғида вояга етган Дилафрўз оддий қиш-лоқ ёшларидан. У бошқалардан кам бўлмастик, ҳаётда ўз ўрнини топиш йўлида изланди, имконият қидирди. Дастлаб Фарғона шаҳридаги имкония-ти чекланган шахсларга ихтисослаш-тирилган касб-ҳунар коллежида таъ-лим-тарбия олди. Спортта меҳр қўйиб, машгулотларга киришганда 17 ёшда эди. Шу тариха катта спорт майдон-лари сари одимлади. Бу йўлда мураб-бийлар панд-насихати, кўрсатмаларига амал қилиб иш тутди.

— Ядро улоқтириш бир қараган-да осондек кўриниши мумкин, ammo бундай эмас, — дейди спортчи. — Жараёнда ҳар бир ҳаракат аниқ ҳи-соб-китоб асосида бажарилганига, кўзланган мақсадга эришиш мум-кин. Японияда ўтган мусобақалар-да тўртинчи ўрин билан кифоялан-ганман. Бундан-да юқори натижага эришишим ҳам мумкин эди. Ўтган даврда мураббийларим кўмағида хатоларимдан тўғри ҳулоса чиқа-ришга ҳар жиҳатдан ҳаракат қил-дим, чиниқиб, маҳоратимни ошир-дим. Энди нуфузли беллашуларда иштирок этиш учун эмас, олтин ме-даль олиш, юртимиз байрогини баланд кўтариш учун курашаман. Бунинг учун барча имконият, шарт-шароит етарли.

Инсон ҳаракат қилса, мақсадига эришади. Бу ҳаёт ҳақиқати спортда жуда катта аҳамиятга эга. Спортчи бўлишни истаган киши ҳаммаша ҳара-катда бўлиши, изланиши, интилиши талаб этилади.

йили Токиода бўлиб ўтган XXXII ёзги олимпия ўйинлари ва XVI паралим-пия спорт турларида ҳам фарғоналик ёшлар фаол иштирок этди.

— Вазирлар Маҳкамасининг “Олимпия ва паралимпия спорт тур-ларига тайёрлаш марказлари фаолият-ини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янги имкониятлар эшикларини очди, — дейди Фарғона олимпия ва пара-лимпия спорт турларига тайёрлаш маркази директори Эгамберди Усмо-нов. — Яхши натижаларга эришган спортчилар ва мураббийларини қўла-лаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш борасидаги имтиёз ва имкониятлар соҳа ривожига хизмат қилмоқда. Шу кунга қадар спортнинг асосий 19 туридан ташқари параенгил атлетика, паратэквандо, парақилич-болик, парасузиш сингаги янги йўна-лишларда спортчилар тайёрлапмиз. Асосий мақсад спортнинг олимпия ва паралимпия дастурига киритилган турлари бўйича юқори натижаларга эришиш, олимпия захирачларини ярат-тиш, Париж ва 2025 йили Тошкент-да ёшлар ўртасида ўтказиладиган IV ёзги Осиё ўйинларида муносиб иштирок этадиган маҳоратли спорт-чиларни танлаб чиқитиришдир. Бу йўналишда шаҳар ва туманлардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаб-лари билан узвий ҳамкорлик қи-либ келяпмиз. Шу кунга қадар мамлакатимиз ва халқаро спорт баҳсларида иштирок этган ўқувчиларимиз 456 та медални қўлга киритди. Ўзбекистон миллий терма жамоасига 146 аъзо ва захира спортчиларни етказиб бердик.

Марказда давлат буюртма-си асосида уновонли ва разряд-ли спортчиларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йилнинг ўзига уновонли 16 спортчи тайёрланди, 120 дан ортиқ спортчи-нинг спорт усталтигига номзод разря-ди ангиланди.

450 спортчи таълим олаётган мар-каздаги 300 ўринли овқатланиш би-носи, катта ҳамдаги спорт ўйинлари зали, манеж, бокс майдони, стадион,

Жорий йилнинг шу кунига қадар марказ ўқувчилари Осиё чемпионати ва кубоги мусобақаларида 3 та, Ўзбекистон чемпионати ва кубоги беллашувларида эса 35 та медални қўлга киритди.

Баъзилар бир-икки мағлубиятдан сўнг тушунликка тушиб, спортдан узоқла-шади. Ҳолбуки, спортчи мағлубиятда тарбияланади. Фақат бундан тўғри



ҳулоса чиқариш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш муҳим. Мар-казимизда иқтидорли спортчилар кўп. Улар билан ишлаш, машгулотлар ўт-казиш, ютуқларидан қувониб кишига қавқ-шавқ бағишлайди.

Фарғона олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида таълим-тарбия олиб, маҳаллий ва хал-қаро мусобақаларда иштирок этаётган ёшлар кўпчилигини ташкил қилади. 2018 йили Буэнос-Айресда бўлиб ўт-ган Ўшлар олимпия ўйинларида бокс бўйича Хурсаной Холматова, бадий гимнастика бўйича Екатерина Фети-сова муваффақиятли қатнашди. 2021

Жорий йилнинг шу кунига қадар марказ ўқувчилари Осиё чемпионати ва кубоги мусобақаларида 3 та, Ўз-бекистон чемпионати ва кубоги бел-лашувларида эса 35 та медални қўлга киритди.


Спорт яқловликни ёқтирмайди. Кучи, иқтидорига ишонган кишигина муваффақиятга эришади. Бу йўлда устоз-мураббийлар иш тажрибаси, яра-тилган қўлай шарт-шароитлар ютуқлар омили бўлаётгани билан эътиборни тортади.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Адолат тантанаси

Бўрттирилган "ҚОСИМОВЧИЛАР ИШИ"

ёхуд Абдулла Қодирийни оқлаган суд раиси



тига қарши шахсларнинг иродасини синдириш мақсадини кўзлаганини тасдиқлайди. Бу борада тадқиқ этилган иш материаллари, тарихий-илмий ҳужжат ва мақолалар кўрсатдики, ўша даврда ҳар қандай миллий озолик ҳаракати шайқатсизлик билан бос-тирилиб, бошқаларга ўрнатилган ҳужжатларнинг ҳар бири ҳақиқатдан тўғри эмаслигини аниқ кўрсатди.



Комиссиянинг 1929 йил 3 мартдаги қарори асосида С.Қосимов лавозимидан овоз қилиниб, қамоққа олинади. Бироқ 3 ой давом этган текширув ва тергов натижаларига кўра, унга қўйилган айбловларнинг бирортаси исботини топмагани сабабли қамоқдан озод қилинади.

— Жуда тўғри. Буни мустабиб тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулки мусодара этилиб, ўзлари қатағону қувғинга дучор этилган аждодларимизнинг пок номи оқлиниб, тарихий адолат тикланаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу ҳақда гап борганда, Олий судда 31 та жиноят иши доирасида қатағон қурбони бўлган 1031 ватандошимизга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, тарихий адолат тикланганини таъкидлаш жоиз.

Бу эзгу ташаббуснинг туб моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган аср бошларида юртпарвар, миллатпарвар болболаримиз янги-янги бўлиб, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларига таяниб, озолик учун мардонвор кураш майдонига чиққанини кўраемиз. Бу фаолият жадидчилик ҳаракати номи билан машҳур бўлган.

Аслида, ушбу улғу зотларнинг мақсади жаҳолат ва қоқоқлик гирдобиди қолган халқни

тонати мисолида ёш авлодни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

— Бугун жамиятнинг барча соҳаларида кенг татбиқ этилаётган "Инсон қадрини ҳурмат қилиш" эзгу тамойили суд-ҳуқуқ тизими фаолиятига қанчалик чуқур кириб бормоқда?

— "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тизими ва кенг қамровли ислохотларимизнинг мантйқий давом бўлди. Мазкур дастуриал амал ҳужжатининг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" деб номланган йўналишида биз фикр юритаётган соҳага тааллуқли муҳим вазифалар белгилаб берилган.

— "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тизими ва кенг қамровли ислохотларимизнинг мантйқий давом бўлди. Мазкур дастуриал амал ҳужжатининг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" деб номланган йўналишида биз фикр юритаётган соҳага тааллуқли муҳим вазифалар белгилаб берилган.

— "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тизими ва кенг қамровли ислохотларимизнинг мантйқий давом бўлди. Мазкур дастуриал амал ҳужжатининг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" деб номланган йўналишида биз фикр юритаётган соҳага тааллуқли муҳим вазифалар белгилаб берилган.

— "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тизими ва кенг қамровли ислохотларимизнинг мантйқий давом бўлди. Мазкур дастуриал амал ҳужжатининг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" деб номланган йўналишида биз фикр юритаётган соҳага тааллуқли муҳим вазифалар белгилаб берилган.

— "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тизими ва кенг қамровли ислохотларимизнинг мантйқий давом бўлди. Мазкур дастуриал амал ҳужжатининг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" деб номланган йўналишида биз фикр юритаётган соҳага тааллуқли муҳим вазифалар белгилаб берилган.

— "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тизими ва кенг қамровли ислохотларимизнинг мантйқий давом бўлди. Мазкур дастуриал амал ҳужжатининг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" деб номланган йўналишида биз фикр юритаётган соҳага тааллуқли муҳим вазифалар белгилаб берилган.

— "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тизими ва кенг қамровли ислохотларимизнинг мантйқий давом бўлди. Мазкур дастуриал амал ҳужжатининг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" деб номланган йўналишида биз фикр юритаётган соҳага тааллуқли муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Яқинда 12 та жиноят иши бўйича 205 нафар шахсга нисбатан Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг оқлов ҳукми чиқарилди. Ҳўш, мустабиб тузум даврида қатағон қилинган бу ватандошларимиз ким бўлган? Уларнинг айби нима эди? Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш борасида қилинаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида, шунингдек, юқоридаги каби саволларга жавоб олиш мақсадида Олий суд раиси ўринбосари Икром МУСЛИМОВ билан суҳбатлашдик.

— Аввало, Олий суд томонидан яқинда қўриб чиқилган ишлар тафсилотларига тўхталсак. Биринчи жиноят иши ҳужжатларида қайд этилишича, эски маҳаллий бойлар ҳисобланган Дадабой Умаралиев ва бошқалар Носирхон тўра Камолхон тўра ишига алоқадор шахслар сифатида 1929-1930 йилларда Наманган туманида аксилчилик бўлиб ҳаракат аъзоларини қўллаб келган. Улар совет ҳудудида қуроли кўзголон ёки аксилчилик бўлиб мақсаддаги ҳаракатларни амалга оширганликда айбланган ва отувга ҳукм қилинган.

Иккинчи жиноят ишида эса Хоразм вилоятида Эрнест Жуманиёзов ва бошқалар босмачилик аксилчилик бўлиб ҳаракати аъзолари билан доимий алоқа ўрнатганликда айбланган. Улар гўёки босмачилик гуруҳларини уйларидан қабул қилиб, озиқ-овқат мақсулотлари билан таъминлаб, совет ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга ўзларида сақланган қуролларни топширмаслик ҳамда коллективлаштиришга қарши тарғибот қилиш орқали қаршилик кўрсатган.

Учинчи жиноят иши бўйича Матчонбек Матмуродов ва бошқалар 1931 йил февраль ойи бошларида совет ҳокимиятини ағдариш, унга қарши қуролланган босмачилик-исёнчилик курашини ташкил этиш ҳамда олдинги хонлик бошқаруви тартибини тиклаш мақсадида Афғонистондан Хива ҳудудига ўтган Жунаидхоннинг ўғли Эшимхоннинг қуролланган гуруҳларини қўлайтириш учун янги кадрлар билан таъминлаш мақсадида алоқа ўрнатганликда айбланган.

Тўртинчи жиноят ишида Исмоил Юсупов (Қазақов) ва бошқалар 1937 йилда Хива тумани Жундиён қишлоғида жойлашган Хон Исмоил ота масжидида йиғилишлар ўтказиб, аксилчилик бўлиб режалар тузган ҳамда Жунаидхонни таниган эски бойлар сифатида қуроли тўда шакллантириб, совет ҳудудида қуроли кўзголон ёки аксилчилик бўлиб ҳаракатлар содир этишда айбланган. Уларнинг аксариятига ўлим жазоси берилган, баъзилари ўзга юртларга сургун қилинган.

— Қўриб чиқилган жиноят ишлари ичида Садулла Қосимовга тегишли иш алоҳида ажралиб туради. Шу ҳақда батафсил тўхталсангиз.

— Суд С.Қосимовни 1924 йилдан 1925 йилга қадар Тошкент вилояти суди раиси ҳамда 1925 йил 23 декабрдан 1929 йил 3 мартга қадар Ўзбекистон ССР Олий суди раиси лавозимида ишлаб, шахсий бойлик орттириш мақсадида талон-тароқчилик, порахўрлик, тизимли равишда тамағирлик жиноятларини содир этганликда ҳамда миллий озолик ҳаракати ("босмачилик"), "Миллий иттиҳод" аксилчилик бўлиб ҳаракатининг фаол аъзоларини қўллаб-қувватлашда айбли деб топган.



мақбул ва ишончли далиллар аниқланмади. Қолаверса, унинг мазкур жиноятларини содир этганликда айбли деб топилган учун асос қилинган далиллар етарли эмас ва ҳозирги кунда қўшимча далилларни тўплаш имконияти қолмаган.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекснинг қонунсиз қийноқ ва қатағонларга чек қўйишга йўналтирилган суд-ҳуқуқ тизимида қонунийлик ва адолатни ўрнатилиш учун прокурор ва судларга кенгроқ имконият бериш назарда тутилган ислохот ҳақидаги саволларга жавоб беришни сўраб, С.Қосимов 1928 йил 20 июнда Москвага мурожаат юборди. Ушбу мурожаат шусиз ҳам С.Қосимовнинг ҳаракатлари билан мурося қила олмаётган марказнинг тоқатини тоқ қилади ҳамда 1929 йил бошларида унинг фаолияти устидан текшириш ўтказиш учун комиссия юборилади.

топталган, ўзлари эса энг оғир жазоларга муҳаббат қилинган. Дастлабки тергов даврида жиноят ишида айбланувчи тарихида ўтган барча шахслар аввалбошда айбловни инкор қилиб келган бўлса-да, кейинчалик қийноқлар остида инкорлик кўрсатмасини беришга мажбур бўлганини сўроқ баённомасида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари, уларни айбдор деб топилган ишга тааллуқли бўлган ҳолатлар апрофича ўрганилмай, текшириб чиқилмай ва баҳоланмай, биргина инкорлик қийномлари асосланган ҳолда ҳукм чиқарилган. Иш ҳужжатларида айрим айбдор шахслар фақат ўзбек ёки бошқа тили билан, ўз кўрсатмаларини араб алифбосида ёзган. Шундай бўлса-да, тергов ҳаракатлари рус тилида юритилиб, гўёки уларнинг кўрсатмалари ўзбек тилига таржима қилинганлиги қайд этилган.

— Мустабиб тузум томонидан шайқатсиз қатағон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт миноялдар, оддий касб эгаси бўлиб минглаб юртдошларимиз номини абадийлаштириш, уларнинг жасорати, ма-



бораётган янги Ўзбекистон ғояси замирида уларнинг орзу-интилишлари ва армонлари муҳасаса.

Шу маънода, Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озолиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона курашган, азиз жонларини фидо қилган, мустабиб тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани — тарихий адолат тикланаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бу бежиз эмас. Чунки айни мавзудаги тарихий маълумотларни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш мустақиллик қандай оғир ҳамда машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини янада чуқур англашга хизмат қилади. Шу билан бирга, бутунги эркин, озо ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш кераклигини ҳамда беради. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўлиқ юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини оширишни тақозо этади.

Мустабиб тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулки мусодара этилиб, ўзи қувғинга қатағонга дучор этилган аждодларимиз жуда кўп. Улар орасида пок номлари ҳамон қора рўйхатларда қолиб кетган, яъни оқланмаганлари бор. Ноҳақ айбланган бундай одамларни оқлаш, хотирасига ҳурмат кўрсатиш, авлодларига таскин ва умид бериш мақсадида уларга тегишли ҳужжатлар синчковлик билан ўрганилди ва ўрганилмоқда.

— Бугун жамиятнинг барча соҳаларида кенг татбиқ этилаётган "Инсон қадрини ҳурмат қилиш" эзгу тамойили суд-ҳуқуқ тизими фаолиятига қанчалик чуқур кириб бормоқда?

— "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тизими ва кенг қамровли ислохотларимизнинг мантйқий давом бўлди. Мазкур дастуриал амал ҳужжатининг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" деб номланган йўналишида биз фикр юритаётган соҳага тааллуқли муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳақида сўз борганда, бу борадаги асосий мақсадлардан бири давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатилиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантиришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун 2030 йилгача маъмурий судларга бевосита мурожаат этишга тўқтинлик қилинган омиллари тўлиқ бартароф этилиб, судга қадар босқичда низоларни ҳал қилиш самардорлигини 50 фоиз ошириш, судга қадар ҳал этилиши мумкин бўлган низолар юзасидан судларга келиб тушадиган ишлар сонини 50 фоиз камайтириш каби вазифалар белгиланган.

Ана шу устувор вазифалар ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши суднинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, унга нисбатан ишончли ошириш ва фуқароларнинг судга мурожаат қилиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Бу эзгу амалларнинг амалиётга изчил татбиқ этилаётгани янги Ўзбекистон ғояси негизда, аввало, инсон омили муҳасасага асосланган яна бир эркин ифодасидир. Инсон шаъни, қадр-қиммати ва хотирасини ҳар қандай таъвоузулардан кўз қорачиғидек асраш вазифаси ҳар доим устувор бўлиб қолаверади.

Суҳбатни "Янги Ўзбекистон" муҳбири Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.